

“ТАСДИКЛАЙМАН”
Наманган вилоят статистика
бошкармаси бошлиғи

С.О.Мелихужаев
“1” наувар. 2017 йил

“Инвестициялар ва қурилиш статистикаси” бўлимни тўғрисида
НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур низом Наманган вилоят статистика бошкармаси Инвестициялар ва қурилиш статистикаси бўлиммининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган “Статистика ишлари дастури”га асосан инвестициялар ва қурилиш соҳаси бўйича давлат статистика ҳисоботларини қабул қилиш, умумлаштириш, тахлил этиш, ҳамда ҳисбот кўрсаткичларини тўлиқлиги, хаққонийлиги, тўғрилиги ва ишончлилигини таъминлаш бўйича иш олиб борувчи бошкарманинг тузилмавий бўлими ҳисобланади.

3. Бўлим ўз иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг қарор ва буйрукларига, вилоят статистика бошкармаси буйруклари ҳамда мазкур Низомга, шунингдек бошка Қонун хужжатларига амал қиласди.

4. Бўлим фаолияти инвестициялар ва қурилиш соҳасида ривожланишининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган холда илмий методологияга асосланган, давлат хокимияти ва бошкарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини кондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган. Бўлим ўз фаолиятини Вилоят статистика

бошқармасининг бошқа таркибий бўлимлари ва туман статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи рахбарлигига амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Вилоят статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосарига бўйсунади.

II. Асосий вазифалари ва функциялари

6. Бўлимнинг асосий вазифалари:

Йиллик статистика ишлари давлат Дастури асосида статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш;

Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган жараёнларни ҳар томонлама тавсифловчи ҳисобот қўрсаткичларининг холис ва ҳаққонийлигини таъминлаш;

Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларининг бажарилиши устидан статистика кузатувларини ташкил этиш;

Халқаро амалиётда қабул қилинган статистика стандартларига мувофиқ статистика қўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш методологиясидан фойдаланиш;

Статистик ахборот ресурсларининг хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-ҳисоблаш тизимини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя этиш;

Статистик қўрсаткичларининг ишончлилиги, ҳолислиги, тўғрилиги, тезкорлиги ва даврийлигини таъминлаш;

Давлат, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари, юридик шахслар, ташкилотлар ва жамоатчиликни амалдаги тартибда статистик маълумотлар билан таъминлаш;

Давлат статистика кузатувлари ташкил этиш ва методология ҳамда расмий статистика маълумотлари масалаларида ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этилаётган давлат статистика ҳисоботлари ишончлилигини таъминланишини амалга ошириш масалаларида худудий статистика бўлимлари фаолиятини назорат қилиш;

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган, тасдиқланган дастурлар, шакллар ва методология асосида давлат статистика кузатувларини олиб боради;

Давлат статистика ҳисоботларини йиғиш ишини, уй хўжаликларининг статистика кузатувларини, рўйхатга олиш, бир маротабалик ҳисобга олиш, сўровлар, танланма монографик ва бошқа кузатувлар ўтказилишини ташкил этади ва тъминлайди;

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ статистик маълумотларнинг махфийлигини тъминлайди.

III. Бўлим ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. Бўлим ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариши учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика ҳисоботларини олиш ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини ўтказиш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, давлат ташкилотларидан давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни тайёрлашнинг ҳар қандай босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

давлат статистика маълумотларида қоидабузарликлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш хақида қўрсатмалар бериш ҳамда жамланма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузган мансабдор шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ маъмурий жазо чораларини кўллаш юзасидан раҳбариятга таклиф киритиш;

бўлимга юклатилган функцияларни бажарилиши учун керакли бўлган маълумотларни бошқарма бўлимларидан олиш ва бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқарма тармок бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш;

бошқарманинг худудий бўлимлари томонидан статистик маълумотларнинг ишонччилиги, ҳолислиги, тўғрилиги ва тақдим этиш муддатларига риоя этишларини талаб қилиш;

бошқарманинг худудий бўлимлари томонидан иш ташкил этишда ҳамкорликни ўрнатиш;

9. Бўлимга қуидаги мажбуриятлар юклатилади:
ягона илмий статистика методологияси асосида статистик маълумотлар сифатини ошириш ва тартибга солиш;
ўз ваколатлари доирасида статистик, тахлилий ва бошқа маълумотлар даражасини кўтариш;

статистика идоралари ходимлари томонидан статистик хисоботлар ишончлилигини назорат қилишнинг амалий тизимини таъминлаш ва субъектлар томонидан аниқланган хатоликларни ўз вактида бартараф этиш, меъерий ишларни юритишида амалдаги қонунчилик талабларига риоя этиш;

бўлимга келаётган ва бўлимдан юборилаётган маълумотларда давлат ва тижорат сирларини махфийлигини таъминлаш;

10. Бўлим ўзига бириктирилган вазифалар асосида:

статистик кўрсаткичларнинг ишончлилиги, ҳолислиги, тезкорлиги ва даврийлигини таъминлаш бўйича иш ташкил этади ва назорат қилади;
ойлик, чораклик бюлетең ва тахлилий маълумотлар учун бошқарманинг “Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот –тахлилий ишлари бўлими”га жадваллар ва тахлиллар беради;

давлат бошқаруви идораларига маълумот, ахборот ва статистик маълумотларни тайёрлайди.

IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

11. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистика тўғрисида”ги қонуни, Вилоят статистика бошқармаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Вилоят статистика тўғрисидаги Низом, мазкур Низом, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг қарор ва буйруқларига, вилоят статистика бошқармаси буйруқларига мувофиқ, шунингдек вилоят статистика бошқармасининг иш режалари, бўлим иш режалари ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси вилоят статистика бошқармаси томонидан тасдиқланадиган бошқарманинг иш режалари асосида шакллантирилади ва бошқарма бошлигининг биринчи ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юклатилган вазифалардан келиб чиқсан холда тайёрланади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

12. Бўлимни Давлат статистика қўмитаси билан келишилган холда вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тайинланган бўлим бошлиғи бошқаради.

Бўлим бошлиғи бўлимга юқланган вазифа ва функцияларни бажарилиши , ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун шахсан жавоб беради.

13. Бўлим бошлиғи:

бўлим фаолиятини бошқаради, бўлимга юқлатилган вазифа ва мажбуриятларни бажарилишига ҳамда ижро ва меҳнат интизомига жавоб беради;

бўлим фаолияти самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

бўлим фаолиятига тегишли қарор қабул қилишда жамоа фикрини инобатга олади ва ўз иши, қабул қилинган қарор ва унинг бажарилиши борасида жамоани ахборот билан таъминлаб боради;

бошқарманинг Кадрлар бўлими хамкорлигида бўлимни ходимлар билан таъминлаш бўйича раҳбариятга таклиф киритади;

кўйилган вазифалар, қабул килинаётган хужжатлар ва тажриба алмашинув масалаларида бўлим ходимлари ҳамда шаҳар, туман статистика бўлимлари ўртасида тушинтирув йиғилишлари ва муҳокамаларини ўтказади;

хужжатларни юритиш ишларини ташкил этади, топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатади, бўлим ходимлари томонидан хизматдаги хужжатлар билан ишлаш ва уларни саклаш тартибларига риоя этишларини таъминлайди;

бошқарма ҳамда шаҳар, туман статистика бўлимларига ишга кираётган ҳамда ишлайётган ҳодимлар билан уларнинг статистика соҳасидаги билим даражалари юзасидан сұхбатлар ўтказади ва ўз навбатида бошқарма бошлиғига таклифлар киритади.

14. Бўлим бошлигининг хукуқ ва мажбуриятлари:

бўлимда ишларни тақсимлайди, лавозим бўйича иш тақсимотини ишлаб чиқади ва бошқарма бошлиғига киритади;

бўлим ходимларини ўзгартириш, лавозимини кўтариш, керак бўлганда чора кўриш бўйича таклиф киритади;

бўлим иш фаолиятини, унинг шакли ва услубларини, хисобот, ижро ва меҳнат интизомини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

бўлимда мавжуд моддий техника ва жихозлар ҳолатини максадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди;

Давлат статистика ишлари дастурининг тегишли бандлари ижросини ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

Ҳисобот интизомини бузган хўжалик юритувчи субъектларнинг масъул мансабдор шахсларига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартиб асосида чора кўриш юзасидан раҳбариятга таклиф киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Мажхамаси ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан қабул қилинаётган қарор ва дастурларни вилоятдаги ижроси юзасидан мониторинг юритади;

бўлим ходимларининг фаолиятига кўра уларнинг иш хақига малакавий устамалари ҳамда белгилангандан ортиқ ишлаганликлари учун кўшимча устамалар бериш ёхуд устамаларни бекор қилиш бўйича бошқарма раҳбариятга таклиф киритади;

бошқарма раҳбарияти томонидан ўтказилаётган йиғилиш ва семинарларда иштирок этади;

идора, корхона ва ташкилотларда бўлим ваколатларига оид масалалар мухокамасида бошқарма номидан иш юритади;

бўлимга келаётган ва бўлимдан юборилаётган маълумотларда давлат ва тижорат сирларини махфийлигини таъминлайди.

“Давлат статистика ишлари дастури”ни бўлимда бажариб борилиши бўйича ҳар ой якуни билан бошқарма бошлиғига ёзма ахборот киритади;

15. Бўлим ходимлари:

Бириктирилган ҳисоботларни ҳаққонийлиги, тўлақонлилиги ҳамда сифатига жавоб беради;

Ҳисобот қамрови ва сифатини яхшилаш бўйича тегишли чоратадбирларни амалга оширади;

Бириктирилган ҳар бир ҳисоботни Давлат статистика қўмитасига “Давлат статистика ишлари дастури”да белгиланган муддатларда тақдим этилишини таъминлайди;

Ҳисобот интизомини бузган хўжалик юритувчи субъектларнинг масъул мансабдор шахсларига нисбатан амалдаги қонунчилик асосида чора кўриш юзасидан белгиланган тартибда таклиф киритади;

Бириктирилган ҳисоботлар бўйича ҳисобот яқунига кўра таҳлилий маълумотлар тайёрлайди;

Ҳисоботларнинг асосий кўрсаткичлари бўйича йилма-йил динамик қаторлар юритади;

Ҳисоботларни номенклатура бўйича алоҳида папкаларга тартибли тикилган ҳолда яхши сақланишига жавоб беради;

Бўлимга ижро учун чиқарилган хатларни муддатларида бажарилишига жавоб беради;

Бўлимга тегишли бўлган барча хужжатларни белгиланган муддатларда бошқарманинг архивига топширилишига жавоб беради;

Бўлим ходимлари ўзларига бириктирилган вазифалардан ташқари раҳбарият томонидан берилган хар қандай тизимга таълукли ишларни ҳам амалга оширади.

Бўлим Низоми билан таниширилдим, Низом асосида бўлимга ва ўз зиммамга бириктирилган вазифаларни талаб даражасида бажараман ва фаолиятимда менга бириктирилган кисм бўйича камчиликлар аниқланган тақдирда ёхуд бўлим Низоми бузилган тақдирда тўла-тўкис ўзим жавоб бераман:

№	Лавозими	Имзоси	Исми ва шарифи
1	бўлии башлегине		Туршинов бакром
2	Бўлии башлигига ўринбосари		исамилов Элмурод
3	бош мутакассис		Мирзабеков Элёр
4	Стакки мутакассис		Розиков Элёр
5	1-тионфами мутакассис		Рустамова Равзар

